



**“SHIMOLIY MINTAQLARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



УДК: 633.511:631.52

**ЯНГИ ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИДА ТОЛА ЧИҚИМИ ВА ТОЛА
УЗУНЛИГИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ**

Туримбетов Муратбай Шамшетович

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори.

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Тел: +998993852454

Э-mail: Muratbayturbetov1970@gmail.com

Расулов Дилмурод

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот
институти

Тел: +998998183599

Э-mail: dilmurod_rasulov_1981@mail.ru

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистрант

Хасетуллаев Азизбек

Э-mail: azizxasetullaev@gmail.com

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистрант

Эрназарова Дилфуза

Э-mail: ernazarovadilfuza98@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19202900>

Аннотация. Мақолада селекция кўчатзорида ўрганилган янги ўрта толали ғўза тизмаларида тола чиқими ва тола узунлиги белгиларининг шаклланиши ҳамда ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган. Тадқиқот натижаларига кўра, барча селекцион ашёлар андоза С-6524 навига нисбатан тола чиқими бўйича устунлик намоён қилди. Айрим тизмаларда тола чиқими 40% дан, тола узунлиги эса 34 мм дан юқори бўлиб, улар селекция ишларида қимматли донор сифатида тавсия этилди.

Калит сўзлар: ғўза, тола чиқими, тола узунлиги, ўзгарувчанлик, селекция, донор, дурагай.

Аннотация. В статье проанализированы формирование и изменчивость признаков выхода волокна и длины волокна у новых средневолокнистых линий хлопчатника в условиях селекционного питомника. Все изученные образцы превзошли стандарт С-6524 по выходу волокна. Линии с выходом волокна более 40% и длиной волокна более 34 мм рекомендованы как ценные доноры для дальнейшей селекции.

Ключевые слова: хлопчатник, выход волокна, длина волокна, изменчивость, селекция, донор.

Abstract. The article analyzes the formation and variability of fiber yield and fiber length traits in new medium-fiber cotton lines studied in the breeding nursery. According to the research results, all breeding materials demonstrated superiority over the standard variety S-6524 in terms of fiber yield. In some lines, fiber yield exceeded 40% and fiber length was more than 34 mm; therefore, they were recommended as valuable donors for breeding programs.

Keywords: cotton, fiber yield, fiber length, variability, breeding, donor.



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Кириш. Ёўза жаҳон қишлоқ хўжалигида стратегик аҳамиятга эга техник экин ҳисобланади. Ёўза селекциясида тола чиқими ва тола узунлиги муҳим хўжалик биологик белгилардан ҳисобланади. Ҳозирги замон текстил саноати талабларига мувофиқ тола чиқими 40% дан ва тола узунлиги 34 мм дан юқори бўлган навларни яратиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу сабабли турли генетик ва эколого-географик манбалар асосида яратилган тизма ва дурагайларда мазкур белгиларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ўзгарувчанлигини комплекс ўрганиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

В.А.Автономов ва бошқаларнинг тадқиқотларида тола узунлиги билан тола чиқими, бир дона кўсақдаги пахта вазни, вегетация даври давомийлиги, биринчи шох жойлашиш баландлиги белгилари орасида корреляция кузатилмаган. F₂ дурагай ўсимликларида юқорида кўрсатилган белгилар боғланмаган ҳолда ирсийланганлиги сабабли тола узунлиги юқори бўлган намуналарни танлаш имконияти пайдо бўлганлиги аниқланган [1].

Б.Х.Аманов, Ф.Р.Абдиевлар илмий изланишларида, ёўзанинг *G.barbadense* L. туричи хилма-хилликларини ўзаро дурагайлаш натижасида олинган F₄ ўсимликларида қимматли хўжалик белгилари, жумладан, тола узунлиги ва тола чиқими каби белгилар параллел равишда ортиши кузатилган [2].

Б.Аллашовнинг изланишларида ёўзанинг қимматли хўжалик белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқлар ўрганилиб, кўш дурагай оилаларда кўсақ вазни билан тола узунлиги, тола чиқими белгилар ўртасидаги боғлиқликлар оддий дурагайлаш услубида олинган оилалар кўрсаткичларига нисбатан бир мунча ижобий томонга силжиганлиги кузатилган [3].

Материаллар ва услублар. Тадқиқотлар селекция кўчатзори шароитида олиб борилди. Объект сифатида турли дурагайлаш комбинациялари асосида яратилган янги тизмалар ва андоза сифатида С-6524 нави олинди.

Тадқиқотларимизда умумқабул қилинган селекция ва уруғчилик услублари жумладан: «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» номли методологик услубий қўлланма асосида (Б.А.Доспехов, 1985) математик ишловдан ўтказилди, ва толанинг сифат кўрсаткичлари «Сифат» маркази лабораториясида HVI тизимида таҳлил қилинган ҳамда бошқа тегишли услубий қўлланмалардан фойдаланган.

Натижалар ва мунозара. Янги ўрта толали ёўза навларининг тола чиқими ва тола узунлиги кўрсаткичларига талаб юқорилиги учун, изланишларда эколого-географик ва генетик узоқ оилаларида тола чиқими ва узунлигини шаклланиш жараёни ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилди (жадвал).

Тадқиқотларда тола чиқимининг ўзгарувчанлиги бўйича ўртача 36,4 % дан 42,2 % гача бўлган юқори натижалар олинди. Тадқиқотларга жалб қилган деярли барча селекцион ашёлар андоза С-6524 ёўза навидан (34,6%) юқори натижаларни кўрсатди. Энг юқори натижалар Л-95 (42,2%), F23K-69 (С-7315) (41,4%) ва F4 Л-95 х Султон (40,9%) тизмаларида кузатилди. Уларда вариация коэффициенти ўртача даражада (3,3–9,0%) бўлиб, белги барқарор шаклланганлигини кўрсатди.

Шунингдек, турли дурагайлаш услублари орқали яратилган тизма ва оилаларда тола узунлиги белгисининг шаклланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилди. Тола узунлиги белгиси бўйича ўртача 33.1 мм дан 35.9 мм гача тола узунлигига эга бўлди. Ўрганилган



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



селекцион ашёларнинг деярли барчаси андоза С-6524 ғўза навидан (33.0мм) 0.1 мм дан 2.8 мм гача толаси узунлиги

Селекция кўчатзорида ўрганилган янги ғўза тизмаларининг тола чиқими ва тола узунлиги кўрсаткичи.

Тизма ва дурагайлар	Тола чиқими			Тола узунлиги		
	M±m	σ	V%	M±m	σ	V%
F ₂₃ K-69	41,4±0,77	2,45	6,93	35,9±0,99	1,12	3.21
Л-2019/в	40,1±0,97	3,09	7,68	33,9±0,83	1,04	3.06
F ₁₃ (К-58 х С-4727) х Омад	36,4±1,29	1,83	5,48	33,3±1,00	1,10	3.30
F ₂₆ Наманган-1 х Сурхон-5 Т-4684-86/16	38,1±0,52	1,65	4,31	34,9±1,31	1,15	3.29
F ₄ Л-138 х Жаркўрғон	37,7±1,01	3,21	8,50	33,7±1,51	1,09	3.33
F ₄ Л-95 х Султон	40,9±1,17	3,71	9,07	33,1±1,01	1,16	3.50
Л-95	42,2±1,09	3,45	8,16	34,4±1,06	1,30	3.78
LSG-3/06	39,6±1,30	4,13	11,93	33,9±0,99	1,14	3.36
St C-6524	34,6±1,30	3,13	8,10	33,0±1,09	1,04	2.36

билан ажралиб турди. Тадқиқотлардаги F₁₃ (К-58 х С-4727) х Омад тизмаси андозага нисбатан толасининг узунлиги бўйича 0.1 мм га калталигини тадқиқотларда кўришимиз мумкин.

Хозирги замон текстил саноати тола узунлигига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тола узунлиги 34 мм дан юқори бўлган F₂₃K-69 (С-7315), F₂₆ Наманган-1 х Сурхон-5 Т-4684-86/16 ва Л-95 тизмалари текстил саноати талабларига жавоб беради.

Хулоса. Техстил талабларига мос бўлган тола узунлиги 34,0 мм дан юқори бўлган F₂₃K-69 (С-7315 (35.9 мм), F₂₆ Наманган-1 х Сурхон-5 Т-4684-86/16 (34.9 мм) Л-95 (34.4 мм) селекцион ашёлар тола узунлиги бўйича ҳамда тола чиқимининг юқори бўлган F₂₃K-69 (С-7315, Л-2019/в, F₄ Л-95 х Султон, Л-95 селекцион ашёлар тола чиқими бўйича қимматли донор бўлиб кейинги селекцион тадқиқотларга бошланғич манбаа сифатида тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Автономов В.А., Кимсанбаев О.Х., Тангиров З. Изменчивость и наследуемость массы хлопка – сырца одной коробочки на растении у межлинейных гибридов F₁-F₂ хлопчатника. // Мат. научно-практ. конф. “Теоретические и практические аспекты развития селекции и семеноводства хлопчатника и люцерны”. –Ташкент. 2010. с. 123-128.
2. Аманов Б.Х., Ф.Р.АбдиевG.barbadense L. ғўза тола узунлиги ва тола чиқимини оширишга хизмат қилувчи янги донорлар олиш // “Ўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами.- Тошкент, 2017. – Б. 105-107.
3. Аллашов Б. Изучение коррелятивных связей скороспелости с рядом хозяйственно-ценных признаков. // Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективны ее развития. Мат. межд. научно-практ. конф. – Ташкент. 2006. с. 52-55.
4. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва, 1985.